



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 220 (12.531)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Яқинда «Тошкент – Марказий» темир йўл вокзалига «O'ZEL» туркумига кирувчи янги юк ташувчи электровозлар келтирилди.

## ҚУЛАЙ ВА ТЕЖАМКОР ЭЛЕКТРОВОЗЛАР

Таъкидлаш лозимки, истиқлол йилларида барча соҳада бўлгани каби темир йўл тизимида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Элликдан зиёд кўприклар, минглаб километр янги темир йўллар қурилди. Юртимизнинг шимолий ва жанубий ҳудудларини боғлайдиган темир йўл линиялари барпо этилди.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ҳар йили темир йўллари реконструкция қилиш, юқори тезликда юриш имконини берадиган темир йўл линиялари, замонавий локомотивлар, юк ҳамда йўловчи ташиш вагонларини ишга туширишга қаратилган кўплаб инвестиция лойиҳаларини амалга оширмоқда. Ана шундай лойиҳалардан бири «Ўзбекистон темир

йўллари» давлат акциядорлик компанияси билан Хитой Халқ Республикасининг «CNTIC – CNRDLC» консорциуми ҳамкорлигида амалга оширилмоқда.

Мазкур келишувга кўра, Хитой Халқ Республикаси Эксим-банки иштирокида «O'ZEL» туркумидаги ўн битта юк электровозини харид қилиш мўлжалланган. Жорий йилнинг август ойида электровозларнинг учтаси юртимизга келтирилган ва улар ҳозирда синов муддатини ўтаб, юк ташиш йўналишларида хизмат қилмоқда. Темирйўлчиларимизнинг саяёҳ-харажатлари билан 2014 йилда ишлаб чиқарилиши белгиланган ана шундай электровозларнинг яна тўрттаси муддатидан олдин шу йилнинг ноябрь ойи бошида мамлакатимизга келтирилди.

Ушбу электровозлар тор-мозаларни бошқаришда машинист учун электрон қанч борлиги, сенсорли борт монитори (НМБ) ва бортда видеокузатувнинг мавжудлиги каби бир қатор қулайликларга эга. Бундан ташқари, электровозларнинг таъмирлаш ишлари 25 фоизга, маҳсулот сарфи 40 фоизга, электр энергиясининг харажатлари 10 фоизга қисқаргани уларнинг техник-иқтисодий самарадорлигини кўрсатиб турибди.

Тоғли ҳудудларда ҳам ишлаш шароитлари такомиллаштирилган ва қисқа вақт ичида қуввати 6000 кВтдан 7200 кВтгача кўтариладиган локомотивларнинг қолган қисмини ҳам муддатидан олдин келтириш чора-тадбирлари қўрилмоқда.

Абдуалим САЛИМОВ

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ДЕПУТАТЛАР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ ИККИНЧИ ЎҚИШДА КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатасининг навбатдаги  
мажлиси бўлиб ўтди.

Қон тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар иккинчи ўқишда бир қатор қонун лойиҳаларини, жумладан, «Мустақам оила йили» Давлат дастурини рўйбга чиқариш доирасида ишлаб чиқилган «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги ва «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Мажлис чоғида таъкидландики, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахсларнинг, шу жумладан етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали, кўп поғонали тизими яратилди, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни аниқлаш, вояга етмаганлар орасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини судлар ва бошқа муассасаларда ҳимоя қилиш ишлари йўлга қўйилган.

Депутатларнинг фикрича, «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахсларнинг, шу жумладан етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштиришга, ушбу соҳада давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтиришга, васийлик ва ҳомийлик органлари ҳуқуқ ва мажбуриятларининг чегараларини белгилашга, ўзига васийлик ёки ҳомийлик белгиланган шахслар мулкни сақлаш ва бошқариш масалаларини тартибга солишга қаратилган.

Унда асосий тушунчалар, васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги давлат сиёсатининг йўналишлари, принциплари, давлат органларининг вазифалари ҳамда ваколатлари белгиланган бўлиб, васий ва ҳомий тайинлашнинг мукамал тартиби ўрнатилмоқда, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахслар ҳуқуқларининг қонунчилик қафолатлари кучайтирилмоқда, уларнинг мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизми белгиланмоқда.

«Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси амалдаги ҳуқуқий норма-

ларни янги қонун ҳужжатида мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқилди. Оила кодексига киритилаётган тузатишлар васийлик ва ҳомийлик механизмларини ривожлантиришга, етим болалар ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга кўмаклашади.

Умуман олганда, ушбу қонун лойиҳаларининг қабул қилиниши мамлакатимизда васийлик ва ҳомийлик тизимининг такомиллаштирилишига, ушбу соҳада фаолият олиб боровчи идоралар ва муассасалар фаолиятининг очилиши ва шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади. Ушбу механизмларнинг такомиллаштирилиши васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахсларнинг барча тоифалари ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятини янада кенгайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорининг ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат органи ташкил этилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қонун тартибдаги кейинги масала бўлди. Янги қўмитанинг ташкил этилганлиги, қўмита зиммасига юклатилган ваколатларга мувофиқ судлар кўриб чиқиши учун киритиладиган даъволар бўйича қўмита ва унинг ҳудудий органлари давлат божи тўлашдан озод этилаётганлиги муносабати билан амалдаги бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тузатишлар киритилмоқда.

Қонун лойиҳаларини муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари саволлар ва таҳқиқлар билан сўзга чиқдилар. Улар ҳар бир ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси бўйича партия дастурларига мувофиқ ва сайловчилар фикрларини инобатга олган ҳолда ўз нуктаи назарларини билдирдилар. Депутатлар васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат бошқаруви соҳасини бундан бўён ҳам такомиллаштириш учун кўриб чиқилган қонун ҳужжатларининг муҳимлигини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати



## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Бухорода Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий форумининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Форумда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари билан ижтимоий шериклигини ривожлантириш, ННТлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришнинг шакл ва механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар билдирилди.

• Сурхондарёда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий форумининг вилоят босқичи ўтказилди. Форум доирасида вилоят хунармандларининг ижодий кўргазмаси ташкил этилди.

• Хива туманининг Заунгур шаҳарчасида жойлашган, «Урганчтрансгаз» шўъба корхонасига қарашли «Газэнергиктехник» корхонасида маиший иситиш қозонлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бунинг учун 117 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Ташкил этилган янги цех бир йилда 2 минг 400 дона маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

• Яқинда Озарбойжон Республикасининг пойтахти Боку шаҳрида ўтказилган аънанавий V халқаро «Мугом» (Мақом) фестивалида Андижон вилоятининг Жалакудук туманидаги 13-болалар мусика ва санъат мактабининг аънанавий хонандалик йўналиши ўқувчиси Дилдора Абдусатторова учинчи ўринни қўлга киритди.

## ЖАҲОНДА

• «Хайян» номли кучли тўфон Филиппин марказида катта талафотларни келтириб чиқарди. Хусусан, Самар ва Лейт оролида Саффир — Симпсон шкаласи бўйича табиий офатнинг энг юқори даражаси кузатилди. Бу ерда шамолнинг тезлиги сониясига 105 метргача етган. Дастлабки маълумотларга кўра, уч киши ҳаётдан кўз юмган. Хавфли деб топишган ҳудудлардан 125 минг нафар одам эвакуация қилинган.

• АҚШнинг Флорида штатида «Альберт Эйнштейн» ниқобидаги номаълум шахс банкни ўмарди. У Сарасота округидаги молия муассасасига бостириб кириб, пул талаб қилган. Жиноятчи банк ходимларига ҳеч қандай қурол билан таҳдид солмаган бўлса-да, унга пул бериб юборилган.

• «Standard & Poor's» халқаро рейтинг агентлиги Франциянинг кредит рейтингини «АА+»дан «АА» даражага пасайтирди. Агентлик мутахассисларининг изоҳлашича, мамлакатда солиқ тизими ва меҳнат бозорини барқарорлаштириш бўйича олиб борилаётган иқтисодий сиёсат яқин келажақда ялпи ички маҳсулот ўсишига ижобий туртки бермайдиган. Шу боис ҳам ана шундай хулосага келинган.

• Интернетда «Йил автомобили» танловида қатнашадиган русумлар рўйхати эълон қилинди. Унга жами 28 та модель киритилган бўлиб, ана шу автоуловларнинг ярми Европа, қолган қисми эса Япония, АҚШ ва Жанубий Корея ишлаб чиқарувчиларига тегишлидир. Қизиқ жиҳати, рўйхатга бу сафар «Volkswagen» (Германия)нинг бирорта ҳам русуми киритилмаган. Ваҳоланки, ушбу компаниянинг машиналари охириги беш йил давомида ўтказилган танловларда тўрт бор голиб деб топишган эди.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

## ЎЗБЕКИСТОН — ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ТЎЛА ҲУҚУҚЛИ СУБЪЕКТИ

Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташки сийсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қондаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қондалари ва нормаларига асосланади.

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 17-моддасидан)

Дунёда халқлар кўп, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам ўз давлатига эга эмас. Ўз давлатига эга халқлар ҳам бор, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти эмас.

Шу боис Ўзбекистон деганда ҳар бир юртдошимиз хаёлидан «жаҳонда ўз ўрнига эга, халқаро муносабатларнинг қамқал ҳуқуқли аъзоси бўлган Ватаним бор», деган ўй ўтади ва қалби ғурур-ифтихорга тўлади.

Давлат мустақиллигининг асосий белгиларидан бири унинг кенг миқёсдаги халқаро эътирофидир. Йигирма бир йилдирки, БМТ бош қароргоҳида Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи ҳилпираб турибди. Ўзбекистон ҳамкорликдан манфаатдор бўлган барча мамлакатлар билан дипломатия муносабатларини йўлга қўйган. Хусусан, қатор йирик давлатлар билан ўзаро муносабатларимиз стратегик шериклик даражасига кўтарилган. АҚШ, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Россия шунлар жумласидан.

Бугунги кунда 46 мамлакатда Ўзбекистон дипломатик ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг мамлакатимизда очилган элчихона ва ваколатхоналари сони олтидан ошди.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунларидан Президентимиз Исроҳ Каримов раҳнамолигида миллий давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, мамлакатимизни ривожлантириш, айрим ҳаётий муҳим масалаларда (ғалла мустақиллиги, энергетик мустақиллик) эски тузумдан мерос қолган қарамликдан қутулиш баробарида, халқаро муносабатлар тизимига кириш, ундан мустақам ўрин олиш, сиёсий нуфузини юксалтириш, чет мамлакатлар билан тенглик асосида ҳамкорликни йўлга қўйиш ва кенгайтириш, жаҳон ҳамжамияти нигоҳини минтақамиздаги ўткир муаммоларга қаратиш йўлини танлади.

Албатта, ҳар қандай давлат муайян қонулар доирасида фаолият юритади. Қонуларнинг асосийси, табиийки, Конституциядир. Президентимиз Исроҳ Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Конституцияси мукамал қондалар бўлиб, истиқлолнинг илк давридан мамлакатимизни ривожлантириш ва айни пайтда ҳар томонлама фойдали, эл-юрт манфаатларига мос тарзда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолият юритиш учун мустақам ҳуқуқий асос вазифасини ўтаб келмоқда.

(Давоми 2-бетда)

## ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ САМАРАСИ

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Фуқаролик назорати механизмини шакллантириш, очиқлик ва ошкоралик» мавзуда матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Анжуман Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик Кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Президентимизнинг 2012 йил 24 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги хузурида Жамоатчилик кенгаши тузиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Жамоатчилик кенгаши ташкил этилганлигига бир йил тўлди, матбуот анжуманида унинг фаолияти ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгаши ўз фаолиятини жамоатчилик асосида олиб борадиган маслаҳат бериш ҳуқуқига эга тузилма саналади. Кенгаш ишини ташкиллаштиришда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Президентимизнинг фармон ҳамда қарорлари, фармойишлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига таянади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси, Ўзбекистон халқ шоири Икбол Мирзаалиев, Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг ўринбосари Нурмаҳамат Муллабоев, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Фуломов ва бошқалар ўз фаолиятини жамоатчилик йўли билан олиб бораётган Жамоатчилик кенгаши аъзолари ўтган бир йил мобайнида хизмат сафарларида

бўлиб, бўлима ва ҳарбий қисмларда соғлом маънавий-руҳий муҳит, юксак ахлоқ ва маданият сақланишини таъминлаш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириб, Мудофаа вазирлигининг бу борадаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар бериб келаётгани ҳақида сўз юритилди.

Анжуманда Жамоатчилик кенгашининг уюшмалар, жамғармалар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, маданият, санъат ва фан намоёндаларидан таркиб топгани ҳамда республикамизнинг ижодий уюшмалари, жойлардаги ҳокимлик вакиллари билан ҳамкорликда ишларни ташкил этиб бораётганлиги нафақат устувор вазифаларнинг тўлақонли бажарилишига, балки ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг маънавий-руҳий ҳолатларини барқарорлаштириш, қатъий ирода ва фаол ҳаётий позицияларини шакллантиришда муҳим ўрин эгаллаётганлиги қайд этилди. Давлат идоралари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилаётган бир қатор маънавий-маърифий тадбирлар шахсий таркибнинг ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинаётганини, ҳарбий қисмда қарор топан ҳуқуқий тартибот ва ҳарбий интизом ҳолати билан бевосита таъминлашлари, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари билан суҳбатлашиш, уларнинг ўй-фикр, муаммо ва истакларини ўрганиш имконини бермоқда.

**Зиёда РАСУЛОВА**

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ноқонуний олиб чиқилиши ва контрафакт маҳсулотлар олиб қилинишига қарши курашиш чора-тадбирларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.**

### Қарор ва ижро

## АҲОЛИНИ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг ўринбосари Ф.Шукров ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқимиз фаровонлигини муттасил оқсатириш борасида амалга оширилаётган ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми йилдан йилга кўпаймоқда. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 6,8 фоиз ўсгани нафақат ички бозорни тўлдирди, балки соҳада экспорт ҳажмини ошириш имконини берди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 3 декабрдаги «2013 йилда мева-сабзавот, картошка, полиз ва узум маҳсулотларини етиштириш ва фойдаланишнинг прогноз параметрлари тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлаётди.

Бироқ соҳибкорларимиз етиштирилган маҳсулотларни четга ноқонуний равишда олиб чиқиб, сотишга уринаётганлар ҳам йўқ эмас. Уларнинг қонунга зид хатти-ҳаракатларига божхоначилар томонидан ўз вақтида чек қўйилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига қарши кураш бўйича жами беш юздан зиёд қонунбузарлик ҳолати аниқланди. Умумий қиймати 1,8 миллиард сўмликдан ортиқ салкам 800 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ноқонуний олиб ўтилишининг олди олинди.

Тадбирда мамлакатимизга контрафакт маҳсулотларининг олиб қилинишига қарши курашиш борасида олиб

борилаётган чора-тадбирлар ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди.

Маълумки, ҳар бир давлатнинг ички бозорини сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиши иқтисодийни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Чунки четдан кириб келаётган товарларнинг барчасини ҳам сифатли ёки истеъмолга яроқли, деб бўлмайдди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 29 январда қабул қилинган «Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлилигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб қилинишига қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Қарори ушбу йўналишдаги чора-тадбирларни амалга оширишда муҳим омил бўлаётди.

Ушбу қарорга мувофиқ 2013 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг божхона chegarаси орқали товарларни олиб қираётган ёки транзитини амалга ошираётган юк ташувчилар chegarадан ўтган жойдаги божхона органларига ўтказилаётган товарлар тўғрисидаги маълумотни, шу жумладан, уларнинг номи, миқдори, вази ва юклар қиймати, уларнинг кодлари ҳақидаги маълумотни тақдим этиш шартлиги белгиланган. Бу ҳар бир товар ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиш имконини бериб, мамлакатимизга шубҳали ёки сифати талабга жавоб бермайдиган товар ва транспорт воситалари кириб келишининг олдини олишга хизмат қилаётди.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

**Н.АБДУРАИМОВА,**  
**ЎЗА мухбири**



Аскар Екубов (ЎА) олган сурат

### Ҳуқуқ, бурч ва масъулият

## БАРЧА КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР, УЙ-ЖОЙ, МУЛК ВА ИЖАРА ТЎҒРИСИДА

**Ишламайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилганлиги учун ойлик нафақаси қуйидагиларга тайинланади:**

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари бола икки ёшга етгунга қадар ҳақиқатда уни парвариш қилган шахсларга болани парвариш қилиш нафақасини ишламайдиган оналарга ёки улар ўрнини босадиган шахсларга, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий, ўрта махсус ва ўрта хунар ўқув юрталарида пулли-контракт асосида ўқийдиган оналар ёки улар ўрнини босадиган шахсларга ва юридик шахслар ташкил этилган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи оналарга тайинланади.

Нафақа она ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органига мурожаат қилган ойдан, лекин бола туғилган ойдан кейинги ойдан қолдирмай тўланади. Нафақа ўн икки ойга тайинланади, лекин бола икки ёшга тўлган ойдан ошиб кетмаслиги керак.

Бундан кейин мазкур нафақани олишга муҳтожлик сезса, уни олаётган шахс болага икки ёш тўлишига қадар болани парвариш қилиш нафақасини танаффуссиз тўлаш масаласини ҳал этиш учун белгиланган тартибда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органига, тўловларнинг аввалги ўн икки ойлик муддати тугашидан бир ой олдин такроран мурожаат қилишга ҳақлидир. Агар икки ва ундан кўп туғилган, фарзандликка олинган ёки васийликка қабул қилинган болалар парвариш қилинаётган бўлса, болани парвариш қилиш нафақаси бир миқдорда, кичик ёшдаги бола икки ёшга тўлишига қадар тўланади.

**Болани парвариш қилиш нафақаси маҳалла фуқаролари йигини ёки махсус ваколатли комиссия томонидан, она ёки амалда болани парвариш қилаётган бошқа шахс маҳалла фуқаролар йигини раиси номига берадиган аризасига асосан тайинланади.**

Ариза мазкур шахс рўйхатдан ўтказилган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органида берилади ва унга қуйидагилар илова қилинади:

- боланинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномасидан кўчирма нусха;
- меҳнат дафтарчасидан кўчирма нусха — илгари ишлаганлар учун;
- ариза топширилган ойгача оила аъзоларининг охириги ўн икки ойдаги даромадлари тўғрисида маълумотнома;
- боланинг ногиронлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи ВКК ҳулосаси кўчирма нусхаси (зарурат бўлганда);
- никоҳнинг бекор қилингани тўғрисида гувоҳноманинг кўчирма нусхаси ёки тегишли суд қарорларидан кўчирмалар;
- онаси бўлмаган болани амалда парвариш қиладиган шахслар онасининг йўқлигидан далolat берувчи ҳужжат — боланинг онаси вафот этганлиги тўғрисида гувоҳнома, она-ани оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилиш тўғрисида суд органлари томонидан берилган маълумотнома ёки боланинг онаси болани парвариш қилиш нафақасини олмаслигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатларни қўшимча равишда тақдим этилади;
- жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасидан нусха.

Нафақа тайинлаш учун зарур ҳужжатлар белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаларда тақдим этилади.

**Ишламайдиган оналарга болани парвариш қилиш нафақаси оила даромадини ҳисобга олган ҳолда тайинланади.**

**Нафақа оила даромадларини ҳисобга олмаган ҳолда сўзсиз тартибда қуйидагиларга тайинланади:**

- тўлиқ бўлмаган оилада болани тарбиялаётган ота ва оналарга. Бунда боланинг тўлиқ бўлмаган оилада она (ота) томонидан тарбияланиш фактини, муайян ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи белгиланади;
- ногирон болани тарбиялаётган оналарга ва бунда болаларнинг қайси бири ногирон эканлигининг аҳамияти йўқ.

**Ишламайдиган оналарга болани парвариш қилиш нафақасини тайинлаш чоғида оиланинг муҳтожлигини белгилайдиган мезон бўлиб унинг ҳар бир аъзосига энг кам иш ҳақининг 1,5 бараваридан кам миқдорда тўғри келадиган оиланинг жами даромади ҳисобланади.**

Оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган оиланинг жами даромадини белгилаш учун болани парвариш қилиш нафақасини олишга ариза билан мурожаат қилиш ойигача кейинги 12 ой давомида оиланинг даромадларининг барча турлари қўйилади, яъни солиқ солинадиган даромадлар, пенсиялар, стипендиялар ва иқтисодий тусдаги бошқа тўловлар, шунингдек шахсий ёрдамчи ҳўжалиқдан олинadиган

нат шартномаси (контракти) асосида мавсумий ишларда банд бўлган шахсларга мавсумий ишларни бажариш даврида болани парвариш қилиш нафақаси мавсумий ишлар бажарилган жойда, мавсум тугаганда муҳтожликни умумий асосларда ҳисобга олиш билан яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан тўланади. Кейинги мавсумда ишлаш тўғрисида меҳнат шартномаси тузилганда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида нафақа тўлаш ишга бориш учун тайинланган ойдан бошлаб тўхтатилади.

**Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида болани парвариш қилиш нафақаларини тўлаш қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:**

- парвариш қилинаётган бола икки ёшга тўлганда;
- боланинг иқтисодлаштирилган муассасага тўлиқ давлат таъминотида берилишида;
- бола вафот этганда;
- оила бола билан доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетганда;
- ишга тушилганда;
- бошқа жойга кўчганда;

ж) тайинланган муддатнинг биринчи ўн икки ойи охиридаги ҳолат бўйича оила ҳар бир аъзосининг даромадини белгиланган мезондан ошиб кетса.

**Болани парвариш қилиш нафақасини тўлашни тўхтатишга олиб келувчи ҳолатлар тўғрисида нафақа олувчи ўзини-ўзи бошқариш органларига маълум қилиши шарт.**

Нафақа олувчи вафот этганда ёки ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилганда ёхуд бола ҳомийликдан чиқарилганда нафақа амалда болани парвариш қилиш нафақаси тўланади ва нафақа сўнгги марта тўланган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўланади.

**Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи айби билан ўз вақтида олинмаган болани парвариш қилиш нафақаси ўтган вақт учун бирор-бир муддат билан чекланиш тўланади.**

Тайинланган, бироқ ўз вақтида тўланилмаган (тўланмаган) болани парвариш қилиш нафақалари ўтган вақт учун ушбу нафақалар тўлиниши керак бўлган даврда назарда тутилган миқдорларда тўланади.

Тайинланган, олувчининг Ўзбекистон Республикасидан ташқаридан доимий яшаш жойига кўчиб кетиши, вафот этиши ва бошқа сабабларга кўра бир йил ўтгач талаб қилинмаган нафақалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳисобварақларига ўтказилади.

**Атайин нотўғри ёки сохта (қалбаки) ҳужжатлар бўйича болани парвариш қилиш нафақасини олиш фактлари аниқланганда бундай ҳужжатларнинг тақдим этган шахс жавобгарликка тортилади, ортиқча тўланган суммалар эса белгиланган тартибда ундирилиши керак.**

Болани парвариш қилиш нафақасини тўхтатишга олиб келадиган ҳолатларнинг юзга келгани тўғрисида ўз вақтида хабар қилинмаганда, ўзини-ўзи бошқариш органининг қарорига кўра ортиқча тўланган суммалар олувчидан белгиланган тартибда ундирилади.

## 16. ИШЛАМАЙДИГАН ОНАЛАРГА БОЛА ИККИ ЁШГА ЕТГУНГА ҚАДАР УНИ ПАРВАРИШ ҚИЛГАНЛИГИ УЧУН ОЙЛИК НАФАҚАСИ ТАЙИНЛАШ ТАРТИБИ

даромадлар.

Оила аъзолари ҳар бирининг ўртача даромади белгиланган мезонга мувофиқлигини таҳлил қилиш натижалари бўйича ва комиссия ҳулосаси асосида болани парвариш қилиш нафақасини олишга муҳтож оилалар рўйхати тузилади, у маҳалла фуқароларининг йигини кўриб чиқишига киритилади.

Нафақа тайинлаш ёки уни тайинлашни рад этиш тўғрисидаги қарор маҳалла фуқароларининг йигини ёки у махсус ваколат берган комиссия томонидан очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

**Нафақа тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда ариза берувчининг фуқаролар йигини ёки комиссия мажлисида иштирок этиши мажбурийдир.**

Ариза берувчи уэрли сабаб билан фуқаролар йигинида ёки махсус ваколатли комиссия мажлисида қатнашмаса, оиланинг бошқа воғяга етган аъзоси қатнашиши шарт. Ариза берувчи ёки ариза берувчи оиласи бошқа аъзосининг йўқлигидан мазкур оилага нафақа тайинлаш масаласи кўриб чиқилмайдиган ва кўриб чиқиш учун фуқароларнинг кейинги йигини ёки махсус ваколатли комиссиянинг мажлисига кўчирилади.

Болани парвариш қилиш нафақасини оладиган, меҳ-

**Изоҳ:** Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан ишламайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилганлиги учун ойлик нафақа тайинлаш ҳақидаги аризаларга асоссиз равишда рад этилган тақдирда қуйидаги ишонч телефонларига кўнғироқ қилишингиз мумкин:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Тошкент шаҳар прокуратураси

Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси

Тошкент шаҳар бўлими

тел.: 239-05-52.

тел.: 1007, 271-12-26.

тел.: 236-22-84, 233-84-97, 233-02-46.

Ҳаёт АНОРТОВ,

Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим бошлиғи

## ЎЗБЕКИСТОН — ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ТЎЛА ҲУҚУҚЛИ СУБЪЕКТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

1993 йилда давлатимиз раҳбари БМТ минбаридан туриб, дунё ахли эътиборини Афғонистон моҳароси, Орол ҳалокати каби кескин муаммоларга жалб этди. Бу билан Ўзбекистоннинг узокни кўзлаган ташқи сиёсати тинчликпарварлик, ўзаро тенглик, ҳурмат ва манфаатдорлик тамойиллари, умумбашарий тараққиёт гоилари асосига барпо этилгани намоён бўлди. Терроризм, экстремизм, наркотик моддалар контрабандаси, экологик инқирозлар билан боғлиқ муаммоларнинг долзарблиги ошиб бораётган, улар ҳақида ҳар кун бонг урилаётган ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг ўша пайтда тулган позицияси қанчалар оқилона ва одилона йўл бўлганини, энг муҳими, бу позиция ўзгармай келаётганини алоҳида таъкидлаш даркор.

Ўзбекистон ташқи сиёсати тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосига қурилган. Бу тамойил ўз-ўзидан янада муҳим аҳамиятга молик кейинги тамойилни майдонга чиқаради — мамлакатимиз ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмайди, демак, Ўзбекистон ҳарбийлари ўзга мамлакатлар ҳудудига хизмат қилмайди. Шу тариқа Ўзбекистон бутун дунёга ўз сиёсатининг беғарас эканлиги, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига содиқлигини намоён этмоқда.

Мамлакатимиз ташқи сиёсатининг яна бир ўзига хос жиҳати ҳар қандай давлат билан аввало икки томонлама асосдаги муносабатларни ривожлантиришдан иборат. Тўғри, БМТ, ШХТ, МДХ каби тузилмалар доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлик ҳам фойдали. Лекин бу соҳада Ўзбекистон бир давлат ё давлатлар гуруҳи сафига қўшилиб, бошқа бир мамлакат ё мамлакатлар гуруҳига қарши турмайди.

Ўттиз йилдан зиёд вақт давомида уруш домиди қолиб келаётган Афғонистон тақдир, бу мамлакат билан муносабатлар юзасидан ҳам Ўзбекистон аниқ-равшан позицияга эга. Ислам Каримов Афғонистон моҳаросини куч ишлатиш йўли билан ҳал қилиб бўлмағлини, фақат қарама-қарши томонлар ўртасида муроғасга эришиш, мамлакатнинг иқтисодиёти ва инфратузилмасини тиклаш, мақсадли гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш орқали тинчликка эришиш мумкинлигини таъкидлаб келади. Ўзбекистон бу мамлакат халқининг хоҳиш-иродаси билан шаклландиغان ҳокимият билан барча соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликка тайёр.

Ўзбекистон ўзининг аниқ позицияси, халқаро сиёсат кун тартибидagi масалаларга қатъий ёндашуви эга бўлгани туфайли йирик давлатлар Ўзбекистон нуктаи назари билан ҳисоблашмоқда. Албатта, бундай қатъий негизда мамлакатимизнинг геосиёсий жойлашуви, улкан иқтисодий салоҳияти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Аммо бу сиёсат оқилона, узокни кўзлагани ва ҳар жиҳатдан тўғри ёндашуви эга экани билан алоҳида аҳамиятга молик. Президентимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистон ёки Марказий Осиёдаги шарт-шароитни, кечаётган жараёнларни аввало шу заминда истиқомат қилаётган инсонлар тўлиқ идрок этади. Бирор масалага ёндашув ишлаб чиқилган тақдирда замонавий воқелик билан бир қаторда халқларимизнинг бой тарихи, маданияти, аъёнларидан, маҳаллий шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда иш кўрилади.

2010 йили Қирғизистон жанубида содир бўлган воқеаларни эслайлик. Ўша вақтда давлатимиз раҳбари бу муаммонинг тўб сабабларига, фитнанинг эҳтимол тутилган ташкилотчиларини аниқлашга, юз минглаб болалар, қариялар ва аёллардан иборат қонсуқларга бошпана беришга эътибор қаратди. Миллатлараро низо, ҳатто давлатлараро қарама-қаршилиқнинг олдини олди. Вазият ўнганганда кейин бутун дунё Ўзбекистон раҳбарияти эҳтиросга берилмасдан, вақимлик билан тўғри қарор қабул қилганини, минтақавий даражадаги қатта фалокат келиб чиқишига йўл қўймаганини очик эътироф этди.

Ўзбекистон Конституциясининг 17-моддасида таъкидланганидек, «Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатларга тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин». Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг тузилиши ва унга Ўзбекистоннинг қўшилиши тарихи мана шу сўзларнинг ёрқин тасдиғи бўла олади. Президентимиз «Шанхай бешлиги» саммитининг меҳмони сифатида ушбу гуруҳни фақат чегара масалаларини ҳал қиладиган тузилма ҳолида қолдирмасдан, балки ҳавфсизлиқни таъминлаш, интеграция жараёнларини фаоллаштириш, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш, маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган етук ташкилотга айлантириш мақсадаги мувофиқлиги, шунда Ўзбекистон унинг сафидан жой олишини таъкидлаган. ШХТ қандай ташкилот бўлиб шаклланиши ва эришаётган ютуқларини бугун дунё кўриб турибди.

Маълумки, сўнгги йилларда Марказий Осиёда сув-энергетика захираларидан унумли ва оқилона фойдаланиш масаласи кўп мунозараларга сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон раҳбари бу борада ҳам мамлакатимиз аниқ нуктаи назарга эга эканини кўллаб халқаро ташкилотлар ва турли саммитлар минбарларидан туриб баён этган. Яъни, трансгегаравий даражада гидроэнергетика иншоотларини барпо этишда барча қўшни давлатларнинг розилиги билан иш кўриш, тегишли халқаро меъёрий ҳужжатларда белгиланган қоидаларни ҳурмат қилиш, ҳавфсизлик нуктаи назаридан бундай иншоотларни мустақил халқаро экспертизадан ўтказиш зарур. Айни пайтда аксарият давлатлар Ўзбекистон позициясини кўллаб-қувватламоқда. Бунинг замирида ҳам тенглик, манфаатдорлик, ақл-заковат билан иш юритиш тамойиллари мукассамдир.

Яна бир жиҳатни алоҳида қайд этиш жоиз. Сохта ташаббускорлик, лаҳзалик обрў орттиришга интилиш, декларатив характердаги баёнотлар бериш Ўзбекистон ташқи сиёсатига мутлақо ётдир. Президентимиз Ислам Каримов ҳамша амалда самара берадиган, ҳар томонлама фойдали тақлифларни илгари суради. Марказий Осиёни ядро қурилодан ҳоли зона, деб эълон қилиш, Халқаро Оролни кўтаршиш жамғармасини тузиш, ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмасини таъсис этиш каби ташаббуслар бу фикрнинг яққол тасдиғидир.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида ташқи сиёсат ботида амалга оширилган ишлар Президентимиз Ислам Каримов узокни кўзлаб, мамлакатимиз ва халқимиз манфаатларини устувор тутиб, оқиллик, ҳолислик, вақимлик билан иш юритаётганининг самарасидир. Асосий қонунимиз буларнинг барчаси учун мустаҳкам ҳуқуқий асос вазифасини ўтаб келмоқда.

**Анвар БОБОЕВ,**



Тошкент шаҳар табиати муҳофазат қўмитасининг саҳифаси

## АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ ЙЎЛИДАГИ РЕЖАЛИ ИШЛАР

Қўмита ҳисобот даврида 101 та комплекс, 6 та режадан ташқари қисқа муддатли, 83 та назорат тартибидида, 169 та давлат бюджетидан молиялаштирилган объектлар бўйича текширишлар ўтказди. Бундан ташқари, фуқаролар ва ташкилотлар талабларига биноан шаҳар ўсимлиги дунёсини асраш масаласи юзасидан 950 марта жойларга чиқишлар амалга оширилди.

Ихтиофауна ва ҳайвонот олами жониворлари билан йўқонуний савдо қилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида Давлат биологик назорати ва карантин хизмати вакиллари билан биргаликда шаҳар бозорларида 15 та рейд ўтказилди.

Тошкент шаҳар прокуратураси ва юқори ташкилотларнинг тақдирномаларига асосан ташкил этилган 32 та комиссия ишида қўмита ходимларининг иштироки таъминланди, 54 та шикоятлар қўриб чиқилди.

Табиати муҳофазат қилиш қонунчилиги талабларининг бажарилишини назорат қилиш юзасидан 94 та мақсадли, жумладан, йўл биологик ҳаракати бошқармаси билан 6 та, «Тоza сув ўзани» табири чегарасида 70 та рейдлар ўтказилди.

Назорат остидаги ҳудудларда жойлашган объектларнинг 1504 тасига нозирлик

чиқишлари амалга оширилди.

Экология ва атроф-муҳит озодлигига жиддий зарар етказётган қорхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тўхтатишни сўраб суд органларига тақдимномалар берилган ва «Best color textile» ОАЖ – трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш қорхонаси ҳамда «Toshkent shahar yo'l qurilish va ta'mirlash tresti» ОАЖ асфальтбетон алашмаси, темир-бетон маҳсулотлар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи қорхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти камчиликлари бартараф эттувчи қадар тўхтатилган. Ҳужжатлар суд қарорларини ижро этиш Департаментига ўтказилган.

Ўтказилган текширишлар натижасида 1034 киши маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиб, жавобгар шахсларга 78430,9 минг сўм миқдорида жарима солинган, 7077,71 минг сўм миқдоридаги жарималар ундирилди.

Ўсимлик дунёсига етказилган зарар учун 19087,51 минг сўм миқдоридаги даъво маблаглар қўлланиб, ундириб олинди.

Шаҳардаги қорхоналар ва автомагистралларда автоуловлардан чиқётган зарарли моддалар миқдори бўйича 18351 та авто-транспорт воситалари текширилиб, 1543

тасида ёки 8,4 фоизда автомобилларда зарарли моддалар белгиланган миқдоридан ортиқлиги аниқланди.

Ифлосланиш манбалари мониторинги дастурига мувофиқ Табиати муҳофазат қилиш қўмитасининг АНИДИ ташкилоти томонидан шаҳардаги 5 та сув ўзанлари (Сапар каналли, Чирчиқ дарёси, Бўзсув каналли, Қорақамиш ва Қорасув каналлари) ва 8 та қорхоналарда ўрганишлар натижаси шуни кўрсатдики, улар томонидан дастурда белгиланган барча кўрсаткичлар тўлиқ бажарилган.

2013 йилнинг ўтган 9 ойи давомида Тошкент шаҳридаги қорхона ва ташкилотлар томонидан табиати муҳофазат қилиш бўйича 740 та чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, шундан 739 таси бажарилиш натижасида атмосфера ҳавосига зарарли чиқиндилар чиқариш миқдори йилга 22,6 тонна камайган, жумладан, углерод окиси йилга 11,5 тонна, азот окиси 9,6 тонна, углеводородлар чиқаришнинг 0,9 тоннага камайишига эришилган, шунингдек, йилга 2,0 минг куб метр тоза сув иқтисод қилинди, нефть маҳсулотлари билан ифлосланиш даражасининг камайиши йилга 7,5 тоннани ташкил этди,

156 минг куб метр техник сувларни тежашга эришилди.

Аҳолининг ва ўсиб келатган ёш авлоднинг экологик маданияти, билими, савияси ва маълумотини ошириш мақсадида қўмита томонидан тарғибот ва ташвиқот ишлари мунтазам равишда олиб борилаётган. ОАВда режали равишда телекўрсатув, радиошўнгиришлар ташкил этилди, «Табиат ва инсон» саҳифалари мунтазам бериб борилади.

Шунингдек, «EKOLANDSKAPE» ННТ билан биргаликда ўқувчи ёшларнинг экологик билимларини ошириш мақсадида Тошкент шаҳридаги мактаб, лицей ва коллежлар ўқувчилари иштирокида экологик тадбирлар, экодебатлар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазат қилиш қўмитаси ва UNDP ташкилоти билан ҳамкорликда 30 майдан 5 июнга қадар ўтказилган Экология ҳафталиги тадбирларида қўмита мутахассисларининг фаол иштироки таъминланди.

Муктасар қилиб айтганда, Тошкент шаҳар Табиати муҳофазат қилиш қўмитаси томонидан атроф-муҳит муҳофазаси йўлида юқоридаги каби чора-тадбирлар мунтазам равишда ўтказилмоқда.

### Тадбирлар

## МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

**Яқинда Шайхонтоҳур туманидаги 299-мактабда «Маънавият сарчашмаси» мавзuida давра суҳбати уюштирилди.**

Унда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, журналист Муқаддас Абдусаматованинг «Умр лаҳзалари», «Азиз болалар», «Энг ёруғ юлдуз», «Фазилатим — фозилигим», «Оналик бахти», «Умр игра терилган маржон», «Сайланма» каби китоблари юзасидан маънавий-маърифий тарбиявий мавзуда фикр-мулоҳазалар алмашилди.

— Келажак бугундан бошланади. Бизнинг бугунимиз эса иқтидорли, изланувчан мана шу ёшлардир. Уларга давлатимиз томонидан яратилаётган барча шарт-шароитлар замирида истиқболи порлоқ келажак мужассам. Шундай экан, ҳар бир Ёш Ватанга муносиб фарзанд бўлиб етишмоғи лозимдир, — деди муаллиф.

Тадбир доирасида ўқувчилар М. Абдусаматованинг «Шукрона» номли китобидан ўрин олган шеърларни ёд олдилар.

Куй-қўшиқ, мушоҳада ва мазмунли фикрларга бой тадбир жуда мазмунли ва мароқли якунланди.

**Дилором АЛИЕВА,**  
299-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси

### РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

#### «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 17 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига қўйидаги қўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Яқкасарой туман Суд ижрочилари бўлими томонидан, Самарқанд вилоят Хўжалик судининг 2013 йил 16 октябрдаги 14-1315/11001-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Тўртарик кўчаси, 100-уйда жойлашган, умумий ер майдони 2341 кв.м., биноларнинг умумий фойдали майдони 1028,96 кв.м., яшаш майдони 453,22 кв.м бўлган турар жой биноси. Бошлангич нархи – 1 168 839 515 сўм.

2. Ҳамза туман Суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2013 йил 18 октябрдаги 10-1304/15521-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий ер майдони 9329 кв.м., фойдали майдони 7804 кв.м. бўлган, нотурар жой биноси. Бошлангич нархи – 2 500 000 000 сўм.

2013 йил 3 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдоларига қўйидаги қўчмас мулклар такоран савдога қўйилган:

1. Мирзо Улуғбек туман Суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2013 йил 4 мартдаги 10-1308/3053-Б-сонли ижро варақасига асосан хатланган қўйидаги қўчмас мулклар такоран арзонлаштирилган нархларда савдога қўйилган:

1. Тошкент шаҳар, Яқкасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 4887 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган 8 қаватли бино. Бошлангич нархи – 2 204 652 600 сўм.

2. Тошкент шаҳар, Яқкасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчасида жойлашган, умумий майдони 463 кв.м., 0001-Литер бўлган, 8 қаватли бинонинг ертўла қисми. Бошлангич нархи – 264 820 500 сўм.

3. Тошкент шаҳар, Яқкасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчасида жойлашган, умумий майдони 340 кв.м., 0002-Литер бўлган, 8 қаватли бинонинг ертўла қисми. Бошлангич нархи – 203 616 900 сўм.

4. Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Алавия (Меҳригўш) кўчаси, 1-уйда жойлашган, умумий майдони 257 кв.м., 0002-Литер бўлган, 8 қаватли уйнинг ертўла қисми. Бошлангич нархи – 141 877 800 сўм.

5. Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Алавия (Меҳригўш) кўчаси, 1-уйда жойлашган, умумий майдони 257 кв.м., 0003-Литер бўлган, 8 қаватли уйнинг ертўла қисми. Бошлангич нархи – 141 877 800 сўм.

II. Юнусобод туман Суд ижрочилари бўлими томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича Миробид туманларо судининг 2013 йил 22 апрелдаги 1/274/2565/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Саида Зуннунова (аввалги 2-линия Киев) кўчаси, 2-уйда жойлашган, умумий майдони 491,15 м.кв. бўлган уй-жой. Бошлангич нархи – 49 750 000 сўм.

Юқоридаги қўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевоқифа жойига қийиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтининг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар қўчмас мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24. Лицензия: № RR-0017.

## ЭКОЛОГИК КУНДАЛИК

● «KAROTEKS» ХК директор ўринбосари К.Миротчян тегишли норматив ҳужжатларсиз атмосферага ифлослантирувчи моддаларни ташлашга қўйиш учун ЎзР МЖКдексининг 85-моддасига асосан 240 минг сўмлик жаримага тортилди.

● «KIMYO NIMOYA TA'MINOT» ОАЖ ҚҚ менежери М.Мамедов ифлослантирувчи моддалари меъёрдан ортиқ бўлган автотранспорт воситаларини фойдаланишга чиқарилганлиги учун ЎзР МЖКдексининг 87-моддасига асосан 159,18 минг сўмлик жарима тўлайдиган бўлди.

● «BOIS RBB» ОАЖ катта устаси Б.Вахобов ишлаб чиқариш қўйидаги қўчмас мулклар ва утиллаштириш қўйидаги қўчмас мулкларни бузганлиги учун ЎзР МЖКдексининг 91-моддасига асосан 79,59 минг сўмлик жаримага тортилган.

● «ASKLEPIY SVIFT» МЧЖ бош энергетиги Б.Алиев нефть маҳсулотларини ерга

тўкиб уларни яроқсиз ҳолга келтирилганлиги учун ЎзР МЖКдексининг 65-моддасига асосан 318,36 минг сўм миқдорида жарима тўлаш маъмурий жазосига тортилди.

● Фуқаро А.Аликуловдан ўсимликларга етказган зарари учун ЎзР МЖКдексининг 162-моддасига асосан 91,53 минг сўмлик жарима ундириб олинди.

● «PROGRESS TENNO KLIMAT» ОАЖ бош муҳандиси Д.Кочнев табиий сув манбаларидан сув олиш лимит ва қўйидаги бузганлиги учун ЎзР МЖКдексининг 74-моддасига асосан 274,59 минг сўм миқдорида жарима тўлайдиган бўлди.

● «GLOBAL TEKS» ОАЖ директори А.Ахмедов давлат экологик экспертизасининг ижобий ҳулосасисиз иш фаолиятини ташкил қилганлиги учун ЎзР МЖКдексининг 96-моддасига асосан 159,18 минг сўм миқдорида жаримага тортилган.

**Куз ҳазонрезги фасли ҳисобланиб, барглари олтин ранг тус олиб, аста-секин тўкилади. Бинобарин, жойларда ҳазонларни йиғиб, ёқиш ҳоллари ҳам кўпаяди. Азиз ҳамшаҳарлар, шуни унутмангки, шаҳарда ҳазонларни ёқиш соғлиқсиз учун хавфли! Қуриган баргларнинг ёниши жараёнида нафақат углерод газы, балки ис ва олтингургут газы сингари заҳарли моддалар тарқалиб, атроф-муҳитга катта зарар етказилади.**

Ҳазонлар таркибидида шунингдек, автомобиллардан чиқётган газлар ва саноат қорхоналари тўтунлари орқали йиғилиб борадиган қўроқшын, қадмий ҳамда мис каби оғир металллар ҳам мавжуд бўлади.

Ҳазонларни ёқиш пайтида чиқадиган тўтун таркибидида мураккаб органик бирикмаларни ўз ичига олувчи заҳарли диоксин бўлиб, у нафас органларига зарарли тарзда таъсир этади. Заҳарли диоксинлар айниқса тананинг ҳимоя тизими алоҳида сезгир ҳисобланмиш болалар ҳамда нафас йўлларидаги сомастик хасталиклари, юрак-қон томир, аллергия қасаликлари бўлган кексалар учун ниҳоятда хавфлидир.

Ёддан чиқарманг: бир тонна чириётган ўсимлик чиқиндилари атроф-муҳитга 30 килограммга яқин углерод газы ва бошқа канцероген моддаларни чиқаради. Агарда ҳазонлар тўпламига пластик идиш, полиэтилен пакетлар, линолеум парчалари қўйиладиган бўлса ёниш жараёнида ун-

## ҲАЗОНЛАРНИ ЁҚИШ КОНИ ЗАРАР

дан 75 га яқин муайян заҳарли, атроф-муҳитни ифлослантирувчи моддалар ажралиб чиқади.

Маҳалла қўмиталари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, ҳамшаҳарларимизнинг вазифаси ҳазонларни йиғиш ва уларни чиқариб ташлаш ёхуд қуриган барглари тўкиш учун тайёрланган компост чуқурларига жойлаштиришдир.

Шунингдек, махсус техник воситаларни қўллаган ҳолда битумни эритиш ва унинг очик алангалатган ёқилиши ҳолатларига ҳам борахм беринг. Зеро, бунда нафақат атмосфера ифлослантирувчи моддалар ажралиб чиқади, балки эритилган битумга ўрнатиладиган рубероиднинг сифати ҳам йўқолади: у бир

неча ойдан кейин ёрилиб, чакка ўта бошлайди.

Агарда сиз ҳазонлар ёқиладиган ёхуд битумнинг эритилиб очик алангалатилганлигининг гувоҳи бўлсангиз Тошкент шаҳар табиати муҳофазат қилиш қўмитасига (тел.: 277-75-43, 277-57-12, 277-00-86, 277-90-45) мурожаат қилинг.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 88-моддасига мувофиқ, шундай қўйишларни қилиш учун фуқаролар энг кам иш ҳақининг 1 баравардан 3 бараваргача, мансабдор шахслар эса 5 баравардан 10 бараваргача жаримага тортилади.

**Тошкент шаҳар табиати муҳофазат қилиш қўмитаси**

Ҳаётда мавжуд истаган нарсангиз топиладиган ушбу бозорга кириб чиқувчиларнинг сон-саногини йўқ. Бу ерда қўш бозорига ит бозори ҳам, хўроз бозори ҳам, ўрдақ, гоз бозори ҳам бари — жонли зот ҳайвонот тури аралашиб кетган.

Ушбу қўш бозоридида ҳам бирон нарсани танлаб харид қилиш амри маҳол. Худди шу яқинда кўни Чорсудаги бозорнинг бир кичик бурчагида ҳам қўшлар бозори авж олади. Даладан тўтиб келинган беданалар, турли-туман қўшлар, товўқ-хўрозлар, каптарлар, савья, канарейкалар, тўтилар, тўрқовоқдаги сайроқи беданалар кичкинагина жойни оёқ босиб бўлмайдиган даражада тўлдириб туради. Бозорни айланганининг сира илоҳи йўқ.

Шу ўринда ҳақли бир фикр тўғилади. Қўшларга, балиқларга қизиқувчилар, уларни ноҳакилаштириб, қўлайлаштиришга илҳомдан инсонлар табиатсевар фарзандларимиз кўп экан, ушбу масалага фақат олди-сотида қилинадиган бозор сифатида қарамастан, балки қўш турларининг билимдонлиги, уларни қўлайлаштириш тарғиб қилувчи, табиатга меҳр билан қаровчи, эркинликдаги қўшларга қизиқувчан этиб, фарзандлар қалбига табиат жонзотларига меҳрини уйғотувчи шароит ярати берилса бўлмасмикан?

Масалан, Эски шаҳардаги Абдулла Қодирий номидидаги истироҳат боғини олайлик. Бир пайтлар бу ерда Ёш томошбинлар театри, Мухимий номли мусикали драма театрининг ёзги биноси, «Ватан» кинотеатрининг ёзги биноси, дор ўйнайдиган майдон, чойхоналар мавжуд бўлиб, ҳар доим одамлар билан гавжум эди.

Бог қайта қурилиб, турли ўйингоҳлар, болалар ўйнайдиган аттракционлар барпо этилди. Лекин негадир у қадимий гавжум эмас.

Фикримизча, шу боғнинг бўш бир майдонидида турли қўшлар, балиқлар савдоси учун шароит яратилса, қўшлар ерда эмас, махсус тайёрланган жойларга қатор қилиб осиб қўйилса, балиқлар ичма тайёрланган столларга қўйилса, келувчилар фақат савдо-сотиққа эмас, фарзандларини, набираларини айлантириб кўрсатиб, қўшлар ҳақида тўшулча берса, уларга меҳр кўрсатишни ўргатишга қўнғилдаги иш бўларди.

Қўш ишқибозлари, балиқ илҳомандлари шанба куни Бешёғочга, яқинда кўни Янгиободга, Чорсу бозорига қатнаш овера бўлиб юрмасдан, фарзандларини, набираларини ҳар шанба, яқинда кўни қўшлар ва балиқлар сайлига олиб келишса, бу ерда музқаймоқ, ҳар хил шарбатлар савдоси ташкил этилса, ушбу ҳудуд ҳам томоша, ҳам хордиқ чиқариш жойига айлантирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Сиз бунга нима дейсиз, табиат шайдолари, қўшлар, балиқлар ишқибозлари?

**Дилшод РАСУЛОВ**

### Табиат ранг-баранг, гўзал қилиб яратилган бўлиб ундаги сайроқи қўшларнинг ўзи бир олам.

Болалик йилларимиздан қўшларга меҳр қўйиб, инларидан учирма бўлиши олдида олиб, қўлга ўргатишга ҳаракат қилар эдик.

Айниқса қарқуноқ деган қўшнинг боласи қўлда боқишга тез мослашар, кейинчалик фақат қўлдан овқат ейишга ўрганиб ҳовли сатҳида учиб юрар, кич-кич деб қақириса учиб келиб қўлимизга қўнар, овқатни еб яна дарахтга учиб кетарди.

Афсуски, бу қўш тури табиатда йўқолиб кетди. У асосан чигиртка, капалак, гўшти нарсалар билан озикланганлиги сабабли қарқуноқ бор уйга чумқўқ йўламасди, гилос, тут, узумлар қарқуноқ орқали сақланарди.

Жиблажибон деган чиройли қора-оқ патли, думи узун қўш бўлиб, у ерда тез югуриб юрар, узун думи доим лиқиллаб турарди. Бу қўш ҳам шаҳарда йўқ бўлиб кетди, ахён-ахёнда чет даладарда учраб туради.

Эслаб қарасак, 30-40 йил оралигида қўллаб қўшларнинг тури камайиб, йўқолиб кетибди. Ҳамон ёдимда, ота-боболаримиз ҳар куни ерталаб, кечкурун ҳовлининг четига бугдой, тарик, дастурхондаги нон увюқларини сепиб қўйишарди. Дон сепилиши билан дарахтда қўниб турган дув этиб тушиб донни еб учиб кетишар, кечкурун яна қайтиб келиб қоринларини тўйгазгач, дарахтларда тунашарди.

Ота-боболаримиз айниқса қўшда қўшларнинг дон топиши қийин бўлади, уларни сақлаш учун боқиб туриш керак деб ўқитишарди.

Вақт ўтиши билан табиатда бўлган муносабат ҳам ўзгариб кетди. Бугунги кунга келиб табиатдаги мавжуд бўлган қўшларнинг ўрини, уларга бўлган меҳрни бошқа турли қўшлар: тўтилар, канарейкалар, савьялар, турли каптарлар, қакликлар эгаллади. Айниқса аквариумда турли-туман балиқларни боқиш авж олиб кетди. Қўллаб хонадонларда, қорхона ва муассасаларда уларни учратамиз.

Албатта, бунинг замирида фарзандларимизнинг қизиқишлари, уларнинг қўш, балиқларни боқишга интилишлари ётади. Уларнинг истакларини қондиришга ҳар қандай ота-она қаршилиқ қилмайди, қанақасини боқасан деб қўш, балиқ бозорига етаклаб олиб боради. Табиати асрайлик, авай-

лайлик деб ҳамма жойда, оммавий ахборот воситаларида, мактабларда қайта-қайта ўқитамиз, бунга фарзандларимиз онгига синдиришга ҳаракат қиламиз. Буларнинг ҳаммаси нур устига нур, албатта.

Бироқ ўринли савол туғилади: қўш қўш бозоридида ахвол қандай?

Шанба куни «Бешёғоч» бозоридида қўшлар бозори авжга чиқади: бозор олди йўли торгина бўлиб, яна у икки ёқлама ҳаракат қилади. Икки бетига бир қатордан машина қўйилганда ҳам ҳар томони 1000 метрлаб йўлни банд этади.

Бозорга етиб бориш учун камида 0,5 километр масофани фарзандингизни етаклаб тор йўлдан босиб ўтишин-

## ГЎЗАЛ ТАБИАТДА ҚЎШЛАР НАВОСИ ЯНГРАСА

гиз керак.

Бир амаллаб бозорга етиб борганингиздан кейин торгина бозорда ерга қўйиб қўйилган турли қўш инлари, товўқ, хўроз, қўён, каптар, тошбақа, тўтилар, юмронқоқлар жойланган қатталардан бўш жой қолмаганлигидан юришининг илоҳи йўқ. Бундан ташқари қоп-қоп қўш донлари, сотиш учун ясалган янги инлар, бедана тўрқовоқлари ҳам бозордан жой олиб, уни тўлдириб турибди.

Пештахта устидаги аквариумлар ичидидаги балиқларни фарзандингизга кўрсатиб уларнинг озик-овқатларини харид қилиш учун ҳам анча машаққат чекиш керак, чунки қадам босувчи бўш жой йўқ.

Қўшлар қўйлигидан бозор ичига сиймагани сабабли, бозорга кириш дарвозаси олдида ҳам савдо-сотиқ авжда бўлади. Бемалол айланиб, турли қўшларни, балиқларни хотиржам томоша қилиб, фар

**Баркамол авлодни тарбиялаш ҳар қандай давлат, жумладан, Ўзбекистонда ҳам фаровонлик ва тараққиётнинг муҳим омилларидан биридир. Бу жараёнда мамлакатимиз таълим тизимининг узвий қисми бўлган болалар спорт алоҳида ўрин тутати. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2002 йил 24 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида» ва 2004 йил 29 августда имзоланган «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ёшлар ўртасида спорт ҳамда соғлом турмуш тарзини янада омаллаштириш, барча ҳудудларда болалар спортини жадал ривожлантиришга хизмат қилаётди.**

Мамлакатимизда бу борада тегишли меъёрий-ҳуқуқий база яратилгани боис спортни ривожлантиришга доир комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Спортчиларни тайёрлаш, мураббийлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича самарали тизим йўлга қўйилган, мактабдан ташқари спортга ихтисослашган таълим муассасаларининг моддий-техник базаси замон талаблари даражасида мустаҳкамланган.

Айни пайтда республикада 1 миллион 800 минг нафардан зиёд ўғил-қиз спортнинг ўттиз саккиздан ортиқ тури билан мунтазам шугулланмоқда. Улар турли республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда совриндорлар қаторидан ўрин олмоқда. Бунда болаларни жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишга фаол жалб этаётган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг хизмати катта.

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган 27 спорт мактабининг барчасида ёш спортчиларни тайёрлаш ва тарбиялаш учун замонавий шaroитлар яратилган. Хусусан, улар замонавий спорт инвентарлари билан жиҳозланган, бир неча авлод истиқболли спортчиларни тарбиялаган юқори малакали мураббийлар меҳнат қилаётган ушбу мактабларда болалар билан ишлашнинг ўзига хос услублари қўлланилаётди. Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги 17-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳам бу борада салмоқли ютуқларга эришмоқда.

— Асосий вазифамиз болаларни спортга жалб қилиш, соғлом турмуш тарзини омаллаштиришдан иборат, — дейди мазкур мактаб директорининг ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари И.Хайруллин. — Туманимиздаги умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежларида ўтказилаётган семи-

нарларда ўқувчилар спорт мактабимиз тарбияланувчилари қўлга киритаётган ютуқлар билан таништирилади. Мактабимизга келаётган ўғил-қизлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Бугунги кунда 329 нафар бола сузиш, футбол, регби, эшакка эшиш ва «Турон» якка кураши каби спорт турлари билан шугулланмоқда. Ўқувчиларимиз шаҳар ва республика миқёсдаги турли мусобақаларда ғолибликни қўлга киритмоқда. Жорий йилда 53 нафар тарбияланувчимиз турли спорт турлари бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатларида совриндор бўлишди.

Мазкур мактабда ёш спортчиларнинг маҳоратини оширишга алоҳида эътибор берилди. Умумий ўқув дастури билан бир қаторда, ҳар бир ўқувчига нисбатан алоҳида ёндашилиб, уларнинг ўзига хос қобилияти инобатга олинган ҳолда машғулот дастурлари тайёрланмоқда. Шунингдек, қизларни болаликдан спорт билан шугулланишга жалб қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Бугун мактабимизда таълим олаётган 56 нафар қиз яхши натижаларга эришмоқда.

— Сузиш билан икки йилдан буён шугулланаман. Ҳар бир машғулотда қандайдир англичини ўрганаман, — дейди ушбу мактаб ўқувчиси Р.Фотиҳова. — Келажакда катта натижаларга эришиб, жаҳон спорт майдонларида Ватанимиз шaънини ҳимоя қилишни истайман. Шаҳар ва республика беллашувларида совринли ўринларни эгалладим. Бу йил эса Ўзбекистон ёзги очик чемпионати совриндори бўлдим.

Ҳа, спорт инсон саломатлиги ва иродасини мустаҳкамлайди, ёшлар қалбига Ватанга садоқат ва муҳаббат туйғуларини кучайтиришга ёрдам беради.

Роман БОНДАРЧУК,  
ЎЗА мухбири

## Спорт янгиликлари

### ТОШКЕНТДА ХАЛҚАРО СЕМИНАР

**Пойтахтимизда энгил атлетикани янада ривожлантириш, ушбу спорт турини ёшлар орасида омаллаштириш мақсадида халқаро семинар уюштирилди.**

Унда иштирок этган 25 нафар ўзбекистонлик мураббийлар энгил атлетика ривожини йўлида бутун жаҳон миқёсида олиб борилаётган ислохотлар, янги қоидалар билан танишишди. Бундан ташқари Германиядан келган мутахассислар семинар иштирокчилари билимини тест синовлари ҳамда амалий имтиҳонлар ёрдамида синовдан ўтказишди.

Семинар якунида тест синовларини муваффақиятли топширган мураббийларга сертификатлар топширилди.

### ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

**Тошкентдаги 14-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 14 ёшли ўсмирлар ўртасида спорт гимнастикаси бўйича турнир ўтказилди.**

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда пойтахтимиз жамоалари аъзолари ғолиблик учун ўзаро баҳс олиб боришди. Дарвоқе, спорт гимнастикаси бошқа ҳудудларга нисбатан Тошкентда жадаллик билан ривожланаётганлигини ҳисобга олган мусобақа ташкилотчилари Тошкент шаҳридан учта жамоага турнирда қатнашиш ҳуқуқини беришди.

Икки юз нафар ёш спортчи иштирок этган баҳслар қизиқарли кечди. Якунда умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин Тошкент шаҳар жамоасига насиб этди. Фахрли иккинчи ўринни Самарқанд жамоаси эгаллаган бўлса, 14-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жамоаси аъзолари учинчи ўрин билан қифояланишди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



**Саноат корхонаси  
ишлаб чиқариш  
жараёнида тажрибаси  
бўлган**

**— 4-6 тоифали электр  
монтажчилар;  
— 4-6 тоифали  
электрикларни доимий  
ишга қабул қилади.**

**Иш ҳақи 2 миллион сўм  
ва ундан юқори.**



**Корхона ишчиларни хизмат  
транспорти, бенул овқат  
билан таъминлайди. Иш ҳақи  
ўз вақтида тўланади.**

**(90)352-38-05  
(90)982-56-44  
Мулоқот учун телефонлар:  
(93)172-44-07  
(90)167-17-58**



## ХАЛҚ МУЛКИНИ АСРАЙЛИК

**Қурилишлар беҳисоб, интилиш ва орзу-умидлар билан яратилаётган турар жойлар кўркам ва муҳташам, лекин шу билан бирга, ёнғин хавфсизлиги қондаларига зид равишда барпо этилаётган бино ҳамда қурилмалар ҳам йўқ эмас. Бундай ҳолатларни кўпроқ уй-жой мулкдорларига қарашли кўп қаватли уйларда, уларнинг теъдиқ атрофи ва йўлларда учратишимиз мумкин.**

Булардан ташқари, фуқароларимиз томонидан кўп қаватли уйлар атрофларига ўзбошимчилик билан томоққа ҳўжалликлар қуриб олинганлиги, йўллар бошларига темир қозиклар, газ баллонлар ва бошқа сунъий тўсиқлар қўйиб қўйилганлиги ҳам салбий ҳолатлар сирасига қиради. Шунингдек, хонадонлар олдида энгил темир соябонлар ўрнатилганлиги, кичик омиборхоналар қурилганлиги, қурилиш қоидалари ва меъёрларига зид равишда кўп қаватли уйларнинг лойиҳасига ўзгариш киритиб олиш ҳолатларини ҳам учратиш мумкин. Бу эса ўз ўрнида кўп қаватли уйларда фавқулодда ҳодисалар, жумладан, ёнғин содир бўлганда юқорида таъкидланган тўсиқлар туфайли ёнғин учирини автомашиналарнинг ҳаракатланиши ва ёнғин жойига ўтиб сўв манбаларини узатиш имкониятлари йўқотилишига ва бошқа хунук оқибатларга олиб келиши турган гап.

Тилга олинган ва шунга ўхшаш нуқсонларни бартараф этиш борасида Миробод тумани

ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими томонидан коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари, турли муҳандислик хизматлари, маҳалла фаоллари ҳамда ҳокимият ва жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари ва суҳбатлар олиб боришмоқда. Шунингдек, турар жойлар ва аҳоли кўп йиғиладиган масканларни ўрганиш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган кенг қамровли тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, шу асосда қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Қўриниб турибдики, мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётида халқ мулкни «тил-сиз ёв» дан муҳофаза қилиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш муҳим омиллардан ҳисобланади. Шундай экан, бу ишда нафақат мазкур соҳа ходимлари, балки ҳар бир фуқаро фаол иштирок этиши мақсадга мувофиқдир.

**Жаннот Салимбаев,  
Миробод ТИИБ ЁХБ инспектори**

**Мана, олтин куз келиб, тўкин-сочинлик, дастурхонимиз ноз-неъматларга тўлган палла. Ҳаво кундузи қизиб турса, кечқурунлари салқин бўлаяпти. Бундай пайтда кишиларнинг аксарияти хасталикларга чалинувчан бўлишади. Об-ҳавонинг авзойига қараб одам гоҳ иссиқ, гоҳ энгил кийинишига тўғри келади. Натижада арзиманган елвизак нафасидан қаттиқ шамоллаб қолиш эҳтимолдан холи эмас.**

Маълумки, тумов юқори нафас йўллариининг шамоллаши билан боғлиқ бўлади. Одам ётганда бирор жойи очилиб қолиши, елвизак таъсирига учраши, намланган оёқ билан юриш, қўйинчи совутигичдан бирор нарсанини ёки музқаймоқни истеъмол қилиш ҳам шамоллаш билан боғлиқ касалликларнинг келиб чиқишига омилкорлик қилади. Тумов бўлган кишининг дастлаб акса уриш, томоқ қирлиши, бурун оқилиши, бошининг иштиробли оғриши, тана ҳароратининг кўтарилиши каби ҳоллар рўёбга чиқиши билан бирга, гоҳи кўз миждаларининг қисилиб оғриши, қош эгаридида оғриқ бўлиши ҳам кузатилиши мумкин. Жумладан гриппда ҳам кишининг мадори кетиб, ҳолсизланади, иштаҳа йўқолиб, уйку қочиши ҳоллари юз беради.

Шамоллашнинг дастлабки белгиларидаёқ, беморни ҳолироқ хонага ётқизиб яхшилаб ўраб қўйиш ва эздилик билан шифокорни чақиртириш керак. Фақатгина шифокоргина беморни атрофича кузатиб чиққандан кейингина жиддий қарорга келиб, беморни қайси касаллик билан касалланганини белгилайди. Беморнинг ёши, ҳолати ва касалликнинг турини инобатга олиб у ёки бу дори ёки муолажаларни тавсия қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам шамоллашнинг барча қўрилишларида ҳоҳ у тумов, грипп, зотилжам бўлсин, фақат шифокор раво кўрган дори-дармонлардан маълум тартибда фойдаланиш лозим.

Қуйида биз шифокор тавсияси бўйича уй шароитида мутлоқ беозор бўлган, сигналган халқ табobati амалларидан баъзиларини кўрсатиб ўтамиз.

Иштиробли йўтални қолдириш учун қайноқ сут ёки сутни ичимлик содаси билан истеъмол қилиш йўталга таскин беради. Орасига думба бўлагини қўйиб ошда пиширилган беҳи, шолғом ҳам эўраки йўталдан холи этади.

Шивит уруғларидан тайёрланадиган дамлама балғамни

### Саломатлик — туман бойлик

## ШАМОЛЛАШДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

енгилгина кўчишига омилкорлик қилади. Бунинг учун бир чой қошиқ макдоридаги шивит уруғи ярим чойнак қайноқ сув билан дамланади. Дамлама ўз тафти билан илқ ҳолига келгач, доха воситасида сузилиб, ош қошиқ воситасида кунга уч-тўрт марта ичилади. Бундай амал кўкракни юмшатиб, йўталга тасалил беради.

Томоқ оғриғи, (ангина) дардларида, бурун битганида, товуси бўғилганида қуйидаги тибб ва табииат неъматлари асосида тайёрланадиган халқона дори-дармонлар жонингизга оро беради. Қайнатилган картошка туганган ва қайин, қарағай қуртаклари қайнатиб туриб, буғини нафас йўлига йўлатиш (бунинг учун бошни буркаб оғиз тўғриланади) бурун бўшлиғи йўлининг очилишига, эркин нафас олишга, балғамнинг энгил кўчишига ёрдам беради.

Кулундайли мураббо ва асал аралаштирилган чой бемор ҳароратини туширувчи омиллардан ҳисобланади.

Наъматак мевалари асосида дамламаларни ичиб туриш нафақат беморлар учунгина эмас, балки соғлом кишилар учун ҳам фойдадан холи бўлмайди, организмнинг ташқи таъсирларга нисбатан қурашчанлик қобилиятини оширади.

Тумов ва грипп билан оғриганларга суякликларга нисбатан талаб ошади. Шу сабабдан тумов ва грипп исқандасида шифоли шарбатларни бериш аниқ муддао ҳисобланади. Бундан ташқари, беморнинг оқватланиши рациониди сут ва сут маҳсулотлари бўлиши алоҳида аҳамиятга моликдир.

Бемор истеъмол этадиган таомлар турфа қўринишдаги ошқўқлар билан (кўк пийёз, крафш, қаръаф, шивит каби) зебланиши таомнинг ҳушқўрлигини оширибгина қўймай, балки дармон киритиши билан ҳам фойдалидир.

Бемор билан ўзга кишиларнинг мулоқотини камайтириш лозим, акс ҳолда беморнинг заиф организмга бошқа касалликлар юқиб қолиши мумкин. Шунингдек, бемор грипп билан озорланган бўлса, бошқаларга касалликни юқтириши воқеалиқдан холи эмас. Беморга тегишли буюм — ашёларнинг (қоса, пийёла, қошиқ, сочқик каби) алоҳида бўлиши кўп жиҳатдан касаллик тарқалмаслиғига омиллик яратди.

Тумовга йўлиққан бемор поёнига етказиб даволанилма-са, нохуш асоратларга йўлиқиши мумкин. Тумовга нисбатан болалар жуда таъсирчан бўладилар, сабаби гўдакларда ташқи муҳитга қаршилиқ қўрсатиш қобилияти суст бўлади: юқори нафас йўлларида қалқонлик вазифани ўтайдиган кийриклар тараққий этмаган бўлади. Шу боисдан бола эмизаётган она махсус доклати кўки билан ўз фарзандига ёндашиши лозим.

Тумов, грипп ва умуман шамоллаш билан боғлиқ хасталикларга йўлиқмаслик учун киши ўзини чиникитириб юриши, намгарчилик, аёзлик кунларда оёқ, бошни иссиқ тутишга тўғри келади. Бадантарбия билан шугулланиб, ҳаммом қабул қилиш кўп жиҳатдан тумовга нисбатан раддияловчи омил бўлиб хизмат қилади.

**Маннон НАБИЕВ,  
доришунос, халқ табobati академиясининг аъзоси.**

### «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.**



**Тошкент шаҳрида 12 ноябрь кунини ҳаво ўза-риб туради, ёнғинларчи бўлмайди. Шарқдан секун-дига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат ке-часи — 1 даража совуқ - 1 даража илқ атрофида, кундузи эса — 11-13 дара-**

**жа илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 12 ноябрда Тошкент шаҳри об-ҳаво шаро-ити шаҳар ҳаво муҳи-тида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетиши-га имконият яратмади. Атмосферанинг ифлосла-ниш даражаси 1-3 фоз пасайиши тахмин қилин-моқда, таъмиқдори паст бўлади.**



Манзилимиз: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Эълонлар: 233-28-95  
факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот бошқармасида  
02-1-рақам билан рухсатқа олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари буича турар жойлардаги почта бўлимига еки  
«Тошкент почтаминга» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнингиз мумкин.  
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:  
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 1141

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади  
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.  
8594 нусхада босилди.  
Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул  
Д. Исроиллов  
Босишга топширилди: 14.20

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонаси. Корхона  
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир  
Акмал АҚРОМОВ